

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ИШТИРОК ЭТУВЧИ ЖАМОАТЧИЛИК ВАКИЛЛАРИ

Хушвактова Нодира Акрамовна

Аннотация

Мақолада миллий ва халқаро қонунчиликда ишни судга қадар юритиш босқичида жамоатчилик иштирокининг турлари ва шаклларини таснифлашга оид ягона ёндашув бўлмаганлиги сабабли, муаллиф томонидан таҳлиллар асосида янги таклифлар илгари сурилган. Хусусан, ЖПКнинг 349-моддасида дастлабки терговда иштирок этадиган жамоатчилик вакилларига бевосита холислар, мутахассислар ва таржимонлар кириши, шу билан бир қаторда терговчи жиноятларнинг олдини олиш ва уларни фош этиш учун жамоатчиликни жалб қилишга ҳақли эканлиги кўрсатилган.

***Таянч сўзлар:** жамоатчилик, гувоҳ, холис, мутахассис, таржимон, иштирок, жиноят процесси, тасниф.*

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг жамоатчилик билан ўзаро боғлиқ жиҳатлари кўп, шунинг учун ишни судга қадар юритишда жамоатчилик иштирокининг шакллари ҳам хилма-хилдир. Халқаро ва миллий қонунчиликда жамоатчилик ва унинг таснифи билан боғлиқ бўлган аниқ мезонлар, олимлар ўртасида эса яқдил фикр мавжуд эмас. Жиноятчиликка қарши курашда жамоатчилик иштирокини, таснифини ва уни тизимлаштиришни ўрганиш, ҳамкорликнинг янги истиқболли шаклларни аниқлашга ҳам имкон беради.

Фикримизча, ишни судга қадар юритишда иштирок этишнинг уч тури мавжуд деб ҳисоблаймиз:

1) хизмат вазифасига кўра ишни судга қадар юритишда иштирок этиш. Бу гуруҳга терговчи, суриштирувчи, терговга қадар текширувчи амалга оширувчи органлар, шунингдек, бевосита функционал вазифасига кўра ишни судга қадар юритишда эксперт ва мутахассис сифатида иштирок этиши лозим бўлган шахслар киради;

2) ўз манфаатларини ёки ўзгалар манфаатини ҳимоя қилиш мақсадида ишни судга қадар юритишда иштирок этиш. Ушбу гуруҳга гумон қилинувчи, айбланувчи, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар, уларнинг қонуний вакиллари, вакиллари, ҳимоячи, гувоҳнинг адвокати киради;

3) ишни судга қадар юритишда жамоатчилик иштироки. Мазкур гуруҳга гувоҳ, холис, мутахассис, таржимон, шахсий кафил, жамоат кафили, жамоат ҳимоячиси, жамоат айбловчиси, гаров кўювчи, вояга етмаганни қаровга олувчи, жиноятларни профилактика қилиш ва уларни олдини олишда иштирок этувчи шахс, тергов ҳаракатларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишда кўмаклашувчи шахс, жиноят содир этган шахсни ушлашда иштирок этувчи шахс, тайёрланаётган ёки содир этилган жиноят тўғрисида хабар беришда иштирок этувчи шахс, сақлаб туриш учун мулкни олган шахс ва техник кўмакчилар киради.

Ишни судга қадар юритишда жамоатчилик иштирокини бошқа турдаги иштироклардан ажратиб кўрсатадиган қуйидаги белгилар мавжуд деб ҳисоблаймиз:

- 1) иш бўйича қарор қабул қилиш ваколати берилмаганлиги;
- 2) иш юритуви натижаларидан шахсий манфаатдор бўлмаслик;
- 3) ишни судга қадар юритишда иштирок этиш функционал вазифасига кирмаслиги;
- 4) жамоатчилик манфаатларининг ифодаланиши.

Мазкур белгилар, жамоатчилик вакилларини аниқлашга, яъни терговга қадар текширувни олиб борган ва кейинчалик дастлабки терговда гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган ходимни, жиноятни фош этишга ўз кўрсатувлари билан ёрдам бераётган гувоҳдан, бевосита ИИБда сифатида фаолият олиб борувчи эксперт ва мутахассисни, сўроқ қилиш тергов ҳаракатига мутахассис сифатида жалб қилинган мактаб психологидан фарқлашга ёрдам беради.

Жамоатчилик субъектларини мақомига кўра, икки турга ажратишни таклиф қиламиз:

1) ишни судга қадар юриштида жамоатчилик иштирокининг процессуал шакли;

Бунда ЖПКда процессуал мақомга эга бўлган, юқорида кўрсатилган белгиларга эга бўлган жамоатчилик вакиллари, яъни гувоҳ, холис, мутахассис, таржимон, шахсий кафил, жамоат кафили, жамоат ҳимоячиси, жамоат айбловчиси кабилар киради. Уларга тадқиқотимиз давомида алоҳида тўхталамиз.

2) ишни судга қадар юриштида жамоатчилик иштирокининг но процессуал шакли;

Жиноят ишини юриштига масъул давлат органлари ва мансабдор шахсларга нафақат жиноят ишида номлари кўрсатиладиган процесс иштирокчилари, балки бошқа шахслар ҳам кўмак беради. Масалан:

а) тергов ҳаракатига тайёргарлик кўришга ёрдам берадиган жамоатчилик вакиллари: ҳодиса содир бўлган жойни кўриқлаган шахслар, эксперимент, таниб олиш учун кўрсатиш, эксперт текширувини ўтказиш ёки бошқа тергов ҳаракатларини ўтказиш учун зарур нарсалар, макетлар, асбоб-ускуналар, анжомлар, материалларни тақдим этган шахслар, корхона, ташкилот ва муассасалар, ЙТХ оқибатида жабрланганларга ёрдам берган шахслар ва ҳоказо;

б) тергов ҳаракатини ўтказишга ёрдам берадиган жамоатчилик вакиллари: таниб олиш тергов ҳаракатида таниб олинувчи сифатида иштирок этган шахс, мурдани эксгумация қилишда қабрни қовлаган гўрков, қоронғу вақтда кўздан кечириш тергов ҳаракатини ўтказишга автомобиль чирокларини ёқиб ёрдам берган автомобиль эгаси ва ҳоказо;

в) жиноятни фош этишга, иш ҳолатларига аниқлик киритишга, қидирувдаги шахсларни қаердалигини аниқлашга, иш бўйича гувоҳ ва жабрланувчиларни топишга йўналиш берадиган шахслар;

г) жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф этишга ёрдам берадиган жамоатчилик вакиллари: маҳалла фаоллари, корхона, ташкилот ва муассаса ишчи жамоалари ва ҳоказо.

Жамоатчилик вакилларининг жиноят ишини юритишда иштирокининг кимнинг ташаббусига кўра амалга оширилишига кўра қуйидагича таснифлашимиз мумкин:

1) жамоатчилик вакилларининг ўз ташаббусига кўра жиноят ишини юритишдаги иштироки – жиноят содир этган шахсни фуқаролар томонидан ушлаш, жиноят содир этган шахсни тўхтатиш, жиноят тўғрисида хабар бериш ва ҳоказо.

2) жамоатчилик вакилларининг ишни юритаётган шахс томонидан жалб қилиниши – холислар, мулкни сақлашга олган шахс, тергов ҳаракатида иштирок этиш учун жалб қилинган шахслар ва ҳоказо.

Ишни судга қадар юритиш босқичида жамоатчилик иштироки субъектлари сифатида ЖПКнинг 40, 42, 349-моддаларида жамоат бирлашмалари, жамоалар ва уларнинг вакиллари белгиланган. Шундай бўлса-да, биз жамоатчилик иштироки субъектлари деганда, қуйидагиларни тушуниш лозим деб ҳисоблаймиз:

- 1) шахслар;
- 2) жамоат бирлашмалари;
- 3) нодавлат нотижорат ташкилотлари;
- 4) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари;
- 5) жамоалар тушунилиши керак.

Чунки жамоат бирлашмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоалар турли тузилмалардир. Уларнинг фаолият соҳалари хилма-хил бўлиб, мазкур тузилмалар фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам турличадир .

Фикримизча, қонундаги ушбу бўшлиқнинг пайдо бўлишига сабаб, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги ва «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонунлар ЖПКдан сўнг қабул қилинганлиги бўлиб, ўша даврда фақатгина жамоат бирлашмаси тушунчаси қонунда акс этган. Бугунги кун талабидан келиб чиқиб, ЖПКнинг бир қатор моддаларига тегишли ўзгартишлар киритиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

ЖПКнинг 21-моддасини қуйидаги таҳрирда баён этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

21-модда. Жиноят процессида жамоатчиликнинг иштироки

Ишни судга қадар юритиш ва судда кўриш чоғида терговга қадар текширув органи мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноят процесси вазифаларини бажариш учун ўз ваколатлари доирасида жамоатчилик ёрдамидан фойдаланишга ҳақлидир.

Нодавлат нотижорат ташкилотлар, жамоалар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг вакиллари жиноят ишини юритишда жамоат айбловчилари ёки жамоат ҳимоячилари тариқасида қатнашишга ҳақлидир.

Ушбу таклифни қуйидаги фикрлар билан асослаймиз.

Биринчидан, ЖПКнинг 21-моддасида белгиланган принцип номи «Жиноят ишларини юритишда жамоатчиликнинг иштироки» деб номланади. Аммо, жамоатчилик иштироки нафақат жиноят ишини кўзғатгандан сўнг, балки ундан олдин, яъни терговга қадар текширув босқичида ҳам мавжуд. Шу сабабли, мазкур принципнинг номланишида «Жиноят ишларини юритишда» сўзи ўрнига «жиноят процессида» бирикмасидан фойдаланиш ўринли деб ҳисоблаймиз.

Иккинчидан, модданинг биринчи қисмига кўра жамоатчилик иштироки жиноят иши бўйича тергов олиб бориш ва ишни судга кўриш чоғида кўзда тутилган бўлса-да, Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 6 сентябрдаги ЎРҚ-442-сонли Қонуни билан ЖПКда бир қатор ўзгартиришлар киритилди. Шунинг учун, нормада «ишни судга қадар юритиш» сўз

бирикмасидан фойдаланганда, у терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки терговни тўлиқ қамраб олишини инобатга олдик.

Учинчидан, назаримизда ЖПКда фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат ноижорат органларни жиноят процессида иштирок этувчи жамоатчилик сифатида эътироф этиш зарурдир.

Шунингдек, фикримизча, жамоат ҳимоячилари ва жамоат айбловчилари нафақат, суд балки ишни судга қадар юритиш босқичида ҳам иштирок этишлари мақсадга мувофиқдир. Чунки, жиноят содир этган шахснинг хулқи, ижтимоий аҳволи тўғрисида тўлиқ маълумотни у фаолият юритаётган жамоаси, қўни-қўшнилари ва маҳалласи яхшироқ билади.

Хулоса ўрнида айтишимиз мумкинки, терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов босқичларида иштирок этувчи жамоатчилик вакилларининг доираси белгиланиши ҳамда ушбу босқичларнинг ҳар бирида жамоатчилик иштирокидан фойдаланишнинг ЖПКда белгиланиши жиноят ишини судга қадар юритишга масъул органлар ва жамоатчилик ўртасидаги алоқаларни қонуний йўл билан тартибга солади ва мустаҳкамлайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисидаги» ПФ-60 сонли Фармони https://strategy.uz/index.php?static=o_strategii

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6196-сонли Фармони <https://lex.uz/docs/5344118>

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 августдаги «Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6041-сонли Фармони <https://lex.uz/docs/4939467>

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 майдаги «Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5430-сонли Фармони <https://lex.uz/docs/3721649>

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 декабрдаги «Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4551-сонли Қарори <https://lex.uz/docs/4647329>

6. Лебедев А.Н., Солодовник В.В. Классификация форм участия населения в борьбе с преступностью // Криминалистика - наука без границ: традиции и новации. Материалы всероссийской научно-практической конференции. Составители: А.В. Бачиева, Э.В. Лантух. Санкт-Петербург, 2021. С. 175.